

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМий ТЕКШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

САБИРОВА ШАХНОЗА ГАФУРОВНА

**ДИЗАГРЕГАЦИОН ТРОМБОЦИТОПАТИЯЛАРНИНГ КЛИНИКО-
ПАТОГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.2.PhD/Tib697 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Бобоев Қодиржон Тухтабаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Сулейманова Дилора Нагаловна
тиббиёт фанлари доктори

Халиков Пулат Хужамкулович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Андижон Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02. рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109 Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100109, Олмазор тумани, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: +99878 150-78-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кун тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Охирги вақтларда дунё бўйича «...турли хил соматик касалликлар сонининг ўсиши билан бир қаторда, қон касалликларининг учраш даражаси ҳам ошиб бормоқда»¹. Қон кетишлар билан намоён бўладиган, оғир асоратлар берувчи ва давомий кечувчи соматик, инфекцион ва бошқа касалликлар, алоҳида нозологик шакл ёки синдром сифатида учрашининг ошишига мойиллик аниқланмоқда. Юқорида келтирилган фикрларга асосан қон касалликлари орасида «...тахминан 90% га яқин бурундан қон кетиш ҳолатлари гемостазнинг биринчи томир-тромбоцитар тизимининг бузилиши билан кечувчи тромбоцитопатия касаллиги билан оғриган беморларга тўғри келади...»². ТП–бу тромбоцитларнинг сифатий бутунлиги бузилган ва функционал етишмовчилик билан характерланадиган гуруҳ касаллиги ҳисобланади. Кўп ҳолатларда «...ноаниқ генезли қон кетишлар айнан ТП билан боғлиқ, шунга боғлиқ ҳолда ўз вақтида ва аниқ ташхис қўйилмаганлиги боис, ТП билан касалланган беморлар кўп ҳолатларда мутахассислиги бошқа бўлган шифокорларда (ЛОР, гинеколог ва б.к.) самарасиз даво олиб келишмоқда...»³. Шу қаторда, дизагрегацион тромбоцитопатияларда (ДТП) генетик хусусиятларни ўрганиш бўйича мавжуд бўлган маълумотлар етарлича эмас. Айтиб ўтилган фикрларга асосан, ДТП патогенези ҳақида етарлича тушунчага эга бўлиш мақсадида, генетик полиморфизм ва уларнинг касаллик клиник кўринишлари билан боғлиқлигига комплекс баҳо бериш учун ушбу илмий маълумотларга эга бўлиш муҳим ҳисобланади. Шунга кўра, ДТП билан касалланган беморларда P2RY12 генининг rs2046934 тромбоцитар рецептори, НРА 2 генининг rs2243093 ва НРА 3 генининг T2622G тромбоцитар аллоантиген тизимининг тромбоцитар гликопротеинлари полиморфизм хусусиятларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда дизагрегацион тромбоцитопатияларнинг клиник-патогенетик жиҳатларини самарадорлигини оширишга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада дизагрегацион тромбоцитопатия билан касалланган ўзбек миллатига мансуб беморларнинг клиник-гемостазиологик хусусиятларини ва шу миллатга мансуб шахсларда дизагрегацион тромбоцитопатия шаклланишида P2RY12 (rs2046934) тромбоцитар рецептори, НРА2 (rs2243093), НРА 3 (T2622G) тромбоцитларнинг аллоантиген тизими тромбоцитар гликопротеинлар генлари полиморфизмини ўрнини ва хусусиятларини асослаш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Дизагрегацион тромбоцитопатия клиник кўринишлари билан (P2RY12, НРА 2, НРА 3) тромбоцитлар дисфункцияси

¹ Nurden AT Acquired Glanzmann thrombasthenia: From antibodies to anti-platelet drugs. // Blood Rev. 2019 Jul; 36:10-22. doi: 10.1016/j.blre.2019.03.004. Epub 2019 Mar 20.

² Салиев К.К., Салиев Д.К. ва ҳаммуал. Наследственные заболевания крови и кроветворной системы. // Клиник қўлланма, 2015, Андижон, 125 б.

³ Dorgalaleh A, Tabibian S et al. Inherited Platelet Function Disorders (IPFDs). //Clin Lab. 2017 Jan 1;63(1):1-13. doi: 10.7754/Clin.Lab.2016.160607.

молекуляр-генетик маркерларини ўзаро корреляцион боғлиқлигини баҳолаш, ҳамда дизагрегацион тромбоцитопатия шаклланишини олдиндан аниқлашнинг усулини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, сурункали касалликлари натижасида юзага келадиган турли асоратлар, ногиронликлар олдини олиш ва ўлим даражасини камайтиришга қаратилган катор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁴ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар қон касалликлари билан ривожланадиган сурункали касалликларни камайтириш, ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, шунингдек сифатли тиббий хизмат кўрсатишда такомиллаштирилган замонавий технологияларни қўллаш орқали мавжуд қон касалликларининг асоратлари натижасида келиб чиққан ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 «Шошилиш тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг бир қанча йирик илмий-текшириш марказларининг долзарб йўналишлари ДТП ривожланишида генетик маркерларни ўрнини аниқлашга қаратилган (Miao L.Z., Gan F.Y., Gong Y. et al., 2018; Leo V. C., Morgan N. V., Bem D., Jones M. L., Lowe G. C. et al., 2015). Шу билан бир каторда маълумки, ДТПнинг

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

ривожланишида кўпгина омилларнинг таъсири асосий ўринни эгаллайди. (Marieke H. Heineke, Aranka V. Ballering, Agnès Jamin et al., 2017; Morgan D. S., Abdel-Raouf R., Afifi A. et al., 2017). ДТПга олиб келувчи барча мавжуд омиллар гемостаз тизимида кўшимча бошқа бузилишларни чақириш билан бир қаторда, турли асоратларни келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин (Момот Е.И., 2015; Козловская Л., 2015). ДТП ривожланиш механизмини ўрганишда ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича мавжуд бўлган нашрлар, ушбу касаллик патогенези бўйича бирон бир хулоса чиқаришга имкон бермайди, шунинг учун P2RY12 (rs2046934) тромбоцитар рецептори, шунингдек тромбоцитларнинг аллоантиген тизими тромбоцитар гликопротеин НРА 2 (rs2243093) ва НРА 3 (T2622G) генлари полиморфизмларини ДТП шаклланишидаги ўрнини ва касалликнинг клиник кўринишидаги таъсирини ўрганиш, hozirgi кунда жуда долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Республикамізда инновацион стратегияларнинг кенгайиши ва юқори технологияларни амалиётда тадбиқ қилиниши, ДТП ривожланишини олдиндан аниқлаш ва ташхисотнинг самарали усулларини ва шаклланиш механизмини яратиш каби муҳим жихатларни ўз ичига олган, исботланган тиббиёт асосларини ишлаб чиқиш йўналишларини аниқлашга имкон беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот иш Тошкент тиббиёт академияси билан Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти билан биргаликда олиб борган илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Чақирув ёшигача бўлган ўсмирларда, тромбоцитопатия билан намоён бўлган гемостаз патологияларини ташхислашда янги технологияларни ва даво усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2009-2011 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади дизагрегацион тромбоцитопатиялар ривожланишида клиник-гемостазиологик хусусиятларни баҳолаш ва генетик маркерларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дизагрегацион тромбоцитопатия билан касалланган беморларнинг клиник-гемостазиологик хусусиятларини баҳолаш;

ўзбек этник гуруҳга мансуб шахсларда дизагрегацион тромбоцитопатия шаклланишида P2RY12 (rs2046934) тромбоцитар рецептори, НРА2 (rs2243093), НРА 3 (T2622G) тромбоцитларнинг аллоантиген тизими тромбоцитар гликопротеинлар генлари полиморфизминини ўрнини ва хусусиятларини баҳолаш;

дизагрегацион тромбоцитопатия клиник кўринишлари билан (P2RY12, НРА 2, НРА 3) тромбоцитлар дисфункцияси молекуляр-генетик маркерларини ўзаро корреляцион боғлиқлигини баҳолаш;

дизагрегацион тромбоцитопатия шаклланишини олдиндан аниқлашнинг усулини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2009-2018 йилларда Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида қабул бўлимига мурожаат қилган

ва диспансер назоратидаги 90 нафар ДТП билан оғриган беморлар, шундан 50 нафари наслий (Гланцман тромбастенияси) ва 40 нафари орттирилган шакл билан касалланган беморлар асосий гуруҳ, назорат гуруҳига анамнезида гемостаз тизими патологияси аниқланмаган, ёши, жинси асосий гуруҳга мос 48 нафар шартли соғлом шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предметини умумий қон тахлили учун текширилаётган гуруҳлар периферик қони, гемостазиологик ва молекуляр-генетик хусусиятларни баҳолашда беморлар ва назорат гуруҳларидан олинган веноз қон ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, лаборатор, молекуляр-генетик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

дизагрегацион тромбоцитопатияларда касалликнинг шаклидан қатъий назар, бурундан қон кетишлар (42%) ва петехиал-кўкаришли геморрагиялар (27%) энг кўп намоён бўлувчи клиник кўринишлар эканлиги белгиланди, шу билан бирга ўрта ёшли шахсларда (71%) бошқа ёш гуруҳларига нисбатан дизагрегацион тромбоцитопатия билан қайд қилингани исботланган;

дизагрегацион тромбоцитопатия билан ҳасталанган беморларда (P2RY12, НРА 2, НРА 3) генлари полиморфизмларининг генотипик вариантларини тромбоцитлар агрегациясининг бузилиш патогенезида ҳиссаси белгиланган;

дизагрегацион тромбоцитопатия билан касалланган беморларда агрегация назоратини бузилиши, шунингдек клиник кўринишларни, ҳусусан меноррагияни шаклланиши билан P2RY12 гени полиморфизмининг ўзаро боғлиқлиги белгиланган ($\chi^2=5.6$; $P=0.02$; $OR=4.3$);

дизагрегацион тромбоцитопатия билан ҳасталанган беморларда НРА 3 гени T2622G полиморфизмининг нохуш генотипик вариантларини ошишига ($\chi^2=2.01$; $P=0.16$; $OR=2.32$) мойиллик аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дизагрегацион тромбоцитопатия билан касалланган беморларда P2RY12 (rs2046934) тромбоцитар рецептори гени полиморфизмини касаллик патогенезида уни таъсири борлигини инобатга олган ҳолда, текширув зарурияти асосланган;

дизагрегацион тромбоцитопатия шаклланиш ҳавфини олдиндан аниқлашнинг усулини такомиллаштириш.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, назорат остига олинган беморлар сонининг етарлилиги, дизагрегацион тромбоцитопатияларнинг клиник-патогенетик жиҳатларини асослашда юқори даражада замонавий усуллар қўлланганлиги, клиник, гемостазиологик, молекуляр-генетик ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан

таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши ҳам олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ДТП билан оғриган беморларда касалликнинг тури ва ёшга боғлиқ ҳолда клиник хусусиятлари ўрганилганлиги, шунингдек туғма дизагрегацион тромбоцитопатия ва орттирилган дизагрегацион тромбоцитопатия билан касалланган беморларда эркак ва аёллар, уларнинг ёшига боғлиқ ҳолда қон кетиш ҳавфи аниқланганлигидан иборат. ДТП билан хасталанган беморларда уларнинг ёши ва касалликнинг турига боғлиқ ҳолда гемостазиологик хусусиятлар аниқланган. ДТП билан касалланган беморларда, касалликнинг турига боғлиқ ҳолда, P2RY12 (rs2046934) тромбоцитар гени, НРА 2 (rs2243093), НРА 3 (T2622G) тромбоцитлар аллоантиген тизимининг тромбоцитар гликопротеин генлари полиморфизмларининг хусусиятлари аниқланган. Тадқиқот натижалари асосида, P2RY12 (rs2046934) генетик маркерининг касаллик ривожланиш ҳавфи ва ўзбек миллатига мансуб ДТП билан касалланган шахсларда клиник синдром (меноррагия)нинг яққолроқ намоён бўлиш билан ўзаро боғлиқлик белгиланлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти касаллик патогенези ва клиник кўринишларга P2RY12 (rs2046934) тромбоцитар рецептор гени полиморфизмининг таъсири исботланганлигини инобатга олган ҳолда, ДТП билан касалланган беморлар ташхисот текширувлар йиғиндисига, ушбу текширувни ҳам киритиш зарурлиги асослаб берилган. Касалликнинг кечишини эрта аниқлаш учун, ДТП шаклланиш ҳавфини олдиндан аниқлашнинг усулини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дизагрегацион тромбоцитопатияларнинг клиник-патогенетик жиҳатларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Дизагрегацион тромбоцитопатияларнинг клиник кечишини олдиндан аниқлашнинг усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июлдаги 8н-д/179-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома дизагрегацион тромбоцитопатияларнинг клиник кечишини олдини олиш ва самарали даволаш тизмини амалга ошириш имконини берган;

«Дизагрегацион тромбоцитопатияларнинг алгоритм ташхисоти» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июлдаги 8н-д/179-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома дизагрегацион тромбоцитопатияларнинг ташхисотининг кетма-кет тартибини ишлаб чиқиш ва натижада эрта ва самарали даволашнинг имконини берган;

дизагрегацион тромбоцитопатияларнинг клинко-патогенетик аспектларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази Сирдарё филиалида, ҳамда Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 ноябрдаги 8н-з/185–

сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши дизагрегацион тромбоцитопатия билан касалланган беморлардан ташкил топган асосий гуруҳда гемостаз тизими кўрсаткичлари томонидан аниқланган бузилишлар, асосида тромбоцитлар функциясининг бузилиши ётган қоннинг ивиш фаолиятининг пасайганлиги мавжудлигини исботлашга, ҳамда ўз навбатида дизагрегацион тромбоцитопатияларнинг предиктив ташхислаш сифатини яхшилашга, касалликларни ривожланиш ҳавфини ва клиник кўринишларни башорат қилишга, шунингдек, ушбу касалликка чалинган беморларнинг яшаш сифатини яхшилашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми диссертацион ишнинг долзарблиги ва зарурлиги билан асосланади, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника ривожланишининг муҳим йўналишлари тадқиқотларига мос келиши кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Тромбоцитопатияларни ташхислашнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи боби учта қисмдан ташкил топган бўлиб, унда тромбоцитопатиялар бўйича ўрганилган умумий маълумотлари, тарқалганлиги, классификацияси, касалликнинг этиологияси ва патогенези ҳақида замонавий фикр ва тушунчалар ва шу билан бирга, касаллик ривожланишида генлар полиморфизмларининг роли ёритиб берилган. Шу қаторда, тромбоцитопатиялар ривожланиш механизмида генетик полиморфизмларнинг қатнашишини ўрганганлик бўйича мавжуд бўлган тадқиқотлар, фақатгина тромбоцитопатияларнинг наслий шаклида ўтказилганлиги кўрсатилган. Шунга асосланиб, тромбоцитопатияларнинг шаклланишига таъсир қилувчи молекуляр-генетик механизмларни ўрганиш жуда ҳам зарур ва долзарб бўлиб ҳисобланиши исботланган.

Диссертациянинг «Тромбоцитопатияларни ташхислашнинг материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали бўлиб ҳисобланган беморларнинг клиник характеристикаси ёритилган, шунингдек, ушбу тадқиқот ишида қўлланилган лаборатор ва инструментал текширув усуллари тўғрисида маълумотлар тўлиқ келтириб ўтилган. Диссертациянинг олдига қўйилган вазифаларига мувофиқ равишда, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтининг диспансер назоратида бўлган ва клиникасида стационар даво олаётган ўзбек этник гуруҳига мансуб ДТП билан касалланган 90 нафар (90 нафар асосий гуруҳ, улардан 30 (33,3%) нафарини эркаклар, 60 (66,7%) нафарини аёллар ташкил қилиб, ундан 1-гуруҳчани НДТП (n=50) ва 2-гуруҳчани ташкил этган орттирилган ДТП (n=40)) беморларда комплекс текширувлар олиб борилган. Беморлар мурожатига қараб тасодикий усулда танлаб олинган. ДТП билан касалланган беморлардан ташкил топган асосий гуруҳ ўртача ёши $31,4 \pm 1,2$ ни ташкил этган. Назорат гуруҳини эса, ўзбек миллатига оид, қариндош бўлмаган, текширилувчи асосий беморлар гуруҳига ёши ва жинси мос келадиган, анамнезида гемостаз тизими патологиялари аниқланмаган 48 нафар шартли соғлом шахслар ташкил қилган.

Олинган натижалар таҳлили учун беморлар нозология, касаллик босқичи ва клиник кўрсаткичларга, жинси, ташхис қўйилгандаги ёши, касаллик шакли, ташхис қўйилгандан бери касалликнинг кечиши ва давомийлиги асосланиб гуруҳ ва гуруҳчаларга бўлинган.

Тадқиқот усуллари клиник (анамнез йиғиш, кўрик), лаборатор (умумий қон таҳлили, гемостазиологик, молекуляр-генетик текширувлар) ва натижаларга статистик ишлов бериш усуллари ўз ичига олган.

Клиник усуллар шикоятлар, анамнез ва беморни объектив кўригини ўз ичига олган. Умумий қон таҳлили кўрсаткичлари ҳолатини аниқлаш учун, гемоглабин даражасини аниқлаш, эритроцит, ранг кўрсаткичи, лейкоцит ва тромбоцит миқдорини аниқлаш «Mindray» China автоанализатори ёрдамида амалга оширилган. Гемостаз тизими ҳолатига баҳо бериш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилган: Дуке бўйича қон кетиш вақтини аниқлаш, АДФ (1,0 и 0,5 ммоль) индуктор ёрдамида тромбоцитлар агрегациясини аниқлаш, қон лахтаси ретракцияси Балуда В.П. ва ҳаммуал. (1980) бўйича, (плазманинг фаоллашган тромбопластин вақтини аниқлаш (ПФТВ), протромбин индекси (ПТИ), тромбин вақти (ТВ), фибриноген миқдори Клаус бўйича) ва XII –а боғлиқ фибринолиз фаоллашувини Еремину Г.Ф. ва Архиллову А.Г. (1982) бўйича аниқлаш, бунда «Россия, НПО РЕНАМ» реактивларини қўллаш йўли орқали амалга оширилган.

Дизагрегацион тромбоцитопатия асосий гуруҳ текширилувчи беморларда, шунингдек назорат гуруҳини ташкил қилган шартли соғлом шахсларда P2RY12 (rs2046934) тромбоцитар рецептори гени ва НРА 2 (rs2243093), НРА 3 (T2622G) тромбоцитар гликопротеинлар тромбоцитлар аллоантиген тизими генларининг полиморф вариантларини молекуляр-генетик текшируви учун материал сифатида веноз қон ишлатилган. Генотиплаш полимераз занжир реакцияси (ПЗР) ёрдамида, кейинчалик ПЗР махсулотлари бўлган полимераз узун рестрикцион фрагментлар (ПУРФ)

тахлили амалга оширилган. Геном ДНК ни 0,5 М ЭДТА стабилизирланган веноз қон лейкоцитларининг ядросидан ажратиб олиниб, кейинчалик унинг концентрацияси спектрофотометрда ўлчаб олинган. Амплифицирланган фрагментлар махсуслиги ва миқдори агароза гелида электрофорез усули ёрдамида текширилган. Амплификация ва рестрикция махсулотларини 6,0-10,0% да 2,0-3,0% агароз ёки полиакриамид гелида ажратилган. Агароз гелида амплификация махсулотлари детекцияси учун горизонтал электрофорез учун «Хеликон» («ДНК-Технология») камераси ишлатилган. Бемор генотиби, ПЗР-ПУРФ таҳлили ўтказилган натижасидаги гелда аниқланган ДНК фрагментлари тўпламига мослиги асосида аниқланган.

Электрофорез 80 вольт босимида намуна гел ичига кириб ўйиқчадан 1 см гача ўтгунига қадар олиб борилган, кейинчалик босим кучайтириб борилган. Бромфенол гелдан чиқиши билан электрофорез тўхтатилган. Гел (0.5 мкг/мл) этидиум бромиднинг сувли эритмасида бўялган, олинган натижани Masovue (LKB, Буюк Британия) транслюминаторида ўтказилувчи ултрабинафша нурлар орқали кўрилган ва расмга туширилган.

Дизагрегацион тромбоцитопатия билан хасталанган беморлар ва назорат гуруҳлари P2RY12 генининг rs2046934 полиморфизми детекция электрофореграммаси (1-расмга қаранг).



1-расм Амплифицирланган қисмнинг ўзига хослиги ва миқдори 4% ли агароз гелида электрофорез усули ёрдамида текширилган.

Олинган натижалар статистик ишлови «OpenEpi 2009, Version 2.3» дастури ёрдамида персонал компьютерда амалга оширилган. Текширилган гуруҳлар орасида генотипларнинг учраш даражасидаги фарқни аниқлаш учун Фишернинг аниқ критерийлари қўлланилган. Текширилган гуруҳларда генотипларни тарқалиш мослиги Харди-Вайнбергнинг каноник тарқалиш χ^2 мезонлари ёрдамида баҳоланган. Гуруҳлар орасидаги статистик аҳамиятли фарқ $p < 0,05$ муҳимлилик белгиси билан кўрсатилган.

Диссертациянинг «Дизагрегацион тромбоцитопатия билан касалланган беморларнинг клиник ва гемостазиологик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида ДТП билан касалланган беморларда клиник кўринишининг ҳолати, умумий қон таҳлили ва гемостаз тизими кўрсаткичлари ҳолатининг хусусиятларини аниқланганлик натижалари келтирилган. Статистик текширувлар натижасида, ДТП билан касалланган катта ёшли беморларда энг кўп мурожаат 18 ёшдан 44 ёшгача бўлган шахслар эгаллаб, улар умумий текширув ўтказилган асосий гуруҳнинг 71,1 фоизини ташкил қилганлиги аниқланган. Бундан ташқари, олиб борилган текширувлар асосида, эркак ва аёллар орасида 45 ёшдан 59 ёшгача бўлган беморларда аёлларнинг мурожаати эркакларга нисбатан 93,8% бўлганлиги исботланган.

Клиник кўринишларни ўрганиш мобайнида, ДТП нинг наслий ёки орттирилган турига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бурундан қон кетиш (59%) ва теридаги петехиал тошма ва кўкаришлар (38%) ни ташкил этиб, касаллик асосан шу синдромлар билан кўпроқ намоён бўлганлиги аниқланган. Бироқ, шу билан бирга, наслий ДТП билан оғриган беморларда касаллик мактабгача бўлган даврда 56% ҳолатларда, ва мактаб ёшида 44% ҳолларда клиник белгилар яққолроқ намоён бўлишлиги, орттирилган ДТП билан оғриган беморларда эса 70% ҳолатларда катта ёшларида намоён бўлишлиги таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу билан бирга, ёш улғайган сари клиник синдромлар ҳам кучайиб боришини айтиб ўтиш керак ва буни тадқиқот натижаларидан олинган маълумотлар билан асослаш мумкин ($p > 0,05$), қайсики ДТП билан касалланган $29,30 \pm 1,79$ ўртача ёшли беморларда кўпроқ битта геморрагик синдром, $32,66 \pm 2,50$ ўртача ёшли беморларда эса иккита геморрагик синдром ва $34,27 \pm 5,09$ ўртача ёшли беморларда бўлса геморрагик синдромларнинг ошиши, яъни уч ва ундан ортиқ геморрагик синдромлар билан намоён бўлганлиги аниқланган.

Текширилувчи гуруҳларда умумий қон таҳлили кўрсаткичлари ҳолати ўрганилганда, ДТП билан касалланган беморларда қон кетишлар натижасида келиб чиққан енгил даражадаги гипохром камқонлик, шу билан бирга тромбоцитлар ва лейкоцитларнинг ҳолати текширилганда уларнинг миқдорини нормал даража чегарасида бўлганлиги аниқланган. Бунда, наслий ДТП билан касалланган беморларда $201,92 \pm 5,12 \times 10^9/\text{л}$ и $5,15 \pm 0,17 \times 10^9/\text{л}$ ни ташкил қилган бўлса, орттирилган ДТП билан хасталанган беморларда $207,05 \pm 5,3 \times 10^9/\text{л}$ и $5,22 \pm 0,16 \times 10^9/\text{л}$ ни ташкил этган. Олинган маълумотлар, текширилувчи беморлар гуруҳида тромбоцитопения ва бошқа қон касалликлари мавжуд эмаслигини таъкидлашга имкон берган.

Дизагрегацион тромбоцитопатия билан касалланган беморлар ва назорат гуруҳларини гемостаз тизими таққосий текширувлари, ДТПда ушбу тизимда бузилишлар мавжудлигини аниқлашга имкон берган, бу қон ивиш фаолиятини пасайиши билан намоён бўлган. Бунга қон кетишнинг (ҚК) ДТП билан хасталанган беморларда, назорат гуруҳига нисбатан 4,1 баробарга ($p < 0,05$) ишончли ошганлиги, АДФ (1 ммоль/л) индуктор ёрдамидаги тромбоцитлар агрегациясининг 3,2 баробар ($p < 0,05$), АДФ (0,5 ммоль/л)

индуктор ёрдамида тромбоцитлар агрегациясининг 3,3 баробар ($p < 0,05$), тромбоцитлар адгезиясининг 1,78 баробар ($p < 0,05$) ва қон лахтаси ретракциясининг назорат гурухи кўрсаткичларига нисбатан ($p < 0,05$) камайганлиги исбот бўлган.

Гемостаз кўрсаткичларининг янада ёркинроқ бузилиши касалликнинг наслий шакли билан касалланган беморларда намоён бўлганлиги белгиланди. Бунда, ҚК кўрсаткичи назорат гурухига нисбатан касалликнинг наслий шаклида 4,2 мартаба ишончли ошган бўлса, орттирилган ДТП беморлар гурухида эса 3,8 мартаба ошганлиги аниқланган. Шу билан бирга, НДТП гурухчасида АДФ 1,0 ммоль и 0,5 ммоль концентрацияда 7,1 мартаба ($p < 0,05$), тромбоцитлар адгезияси 2,3 мартаба ($p < 0,05$), ва қон лахтаси ретракцияси 1,4 мартаба ($p < 0,05$) камайган бўлса, орттирилган ДТП гурухчасида тромбоцитлар агрегация ва адгезияси 1,9 ($p < 0,05$) ва 1,4 ($p < 0,05$) мартаба пасайганлиги, қон лахтаси ретракцияси эса назорат гурухи кўрсаткичларидан фарқ қилмаганлиги аниқланган.

ФҚТВ (АЧТВ), ТВ, фибриноген, ПТИ ва XII-а боғлиқ фибринолиз кўрсаткичлари томонидан ўрганилган гурухларда, назорат гурухига нисбатан ўзгаришлар аниқланмаган, бу уларнинг ДТПнинг қайси шакли эканлигига карамай, ташхислашда аҳамияти жуда пастлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, ДТП билан касалланган беморлардан ташкил топган асосий гурухда гемостаз тизими кўрсаткичлари томонидан аниқланган бузилишлар, асосида тромбоцитлар функциясининг бузилиши ётган қоннинг ивиш фаоллигини пасайганлиги мавжудлигини исботлайди, бу эса ўз навбатида ДТП ташхисотида гемостазиологик текширувларни ўтказиш заруриятини аниқлаб беради.

Диссертациянинг «**Дизагрегацион тромбоцитопатия билан хасталанган беморларда P2RY12 (rs2046934) тромбоцитар рецептори ва НРА 2 (rs 2243093) ва НРА 3 (T2622G) тромбоцитларнинг аллоантиген тизими тромбоцитар гликопротеинлар генларининг полиморфизмлари**» деб номланган тўртинчи бобида ўзбек миллатига мансуб ДТП билан касалланган беморлар ва шартли соғлом шахс гурухларида P2RY12 (rs2046934) тромбоцитар рецептори ва НРА 2 (rs 2243093) ва НРА 3 (T2622G) тромбоцитларнинг аллоантиген тизими тромбоцитар гликопротеинлар генларининг полиморфизмлари аллел ва генотипларининг тақсимланиш даражаси хусусиятларини ўрганилганлик натижалари келтириб ўтилган.

P2RY12 (rs2046934) гени полиморфизмининг хусусиятларини ўрганиш натижалари, ДТП билан касалланган асосий беморлар гурухида нохуш А аллелининг улуши, назорат гурухига нисбатан 2,24 баробар ($\chi^2=3.61$; $P=0.06$; $OR=2.24$) ошганлигини аниқлашга имкон берган, бу эса, ушбу касалликнинг ривожланиш ҳавфига мойиллик мавжудлигини исботлайди. Шу билан бирга, ушбу асосий гурух беморларда G/A гетерозиготали генотип учраш даражасининг 1,57 баробар ($\chi^2=0.88$; $p=0.35$; $OR=1.57$; 95% $CI=0.61-4.03$) статистик аҳамиятга молик бўлмаган тарзда ошганлиги кузатилган. Бундан ташқари, ДТП билан касалланган асосий беморлар гурухида A/A ($\chi^2=3.04$; $P=0.08$) мутант генотипининг учраш даражасининг ошганлиги, касалликнинг

ривожланиш ҳавфи ошишига мойиллик мавжудлигидан далолат берган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Беморлар ва назорат гуруҳларида P2RY12 гени rs2046934 полиморфизмининг аллел ва генотипларини тақсимланиш даражаси


№	Гуруҳ	n	Аллелларнинг учраш даражаси				Генотипларнинг тақсимланиш даражаси					
			G		A		G/G		G/A		A/A	
			n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий ДТП гуруҳи	71	118	83,1	24	16,9	51	71,8	16	22,5	4	5,6
A	НДТП	39	63	80,8	15	19,2	27	69,2	9	23,1	3	7,7
B	ОДТП	32	55	85,9	9	14,1	24	75,0	7	21,9	1	3,1
2	Нazorat гуруҳи	48	88	91,7	8	8,3	40	83,3	8	16,7	0	0

НДТП билан касалланган биринчи гуруҳчада ДТП ривожланиш ҳавфи билан нохуш А аллелининг тутиши орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашга қаратилган текширув натижаси, касаллик ривожланиш ҳавфини 2,62 баробар ($\chi^2=4.46$; $P=0.035$; $OR=2.62$; 95% CI: 1.05-6.55)га ишончли оширишини кўрсатган.

Шу қаторда, орттирилган ДТП билан касалланган иккинчи гуруҳчада нохуш А аллелининг тутиши касаллик ривожланиш ҳавфини 1,8 баробарга ошганлигини ($\chi^2=1.33$; $P=0.25$; $OR=1.8$; 95% CI: 0.66-4.94) кўрсатди, лекин бу аҳамиятга молик бўлмаган характерни тутган.

Касаллик ривожланиш ҳавфи билан G/A гетерозиготали генотипнинг тутиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, НДТП ривожланиш ҳавфини 1,67 баробар ($\chi^2<3.8$; $P>0.05$; $OR=1.67$; 95% CI: 0.57-4.86) ва ОДТП ривожланиш ҳавфини 1,46 баробар ($\chi^2<3.8$; $P>0.05$; $OR=1.46$; 95% CI: 0.47-4.53) статистик аҳамиятга молик бўлмаган тарзда ошганлигини аниқлади. Мутант генотип A/A муносабатида, касаллик ривожланиш ҳавфи билан НДТП билан касалланган беморлар гуруҳчада ($\chi^2=4.18$; $P=0.04$) статистик аҳамиятли ва ОДТП билан хасталанган беморлар гуруҳчасида ($\chi^2=1.63$; $P=0.20$) аҳамиятсиз ўзаро боғлиқлик борлиги аниқланган (2-расмга қаранг).

Шундай қилиб, олинган натижалар, P2RY12 гени (rs2046934) полиморфизми, ўзбек этник гуруҳ шахсларда, дизагрегацион тромбоцитопатиянинг наслий шаклини ривожланиш ҳавфига ишончли даражадаги мустақил маркер бўлиб ҳисобланишини, орттирилган дизагрегацион тромбоцитопатияларнинг ривожланишида эса мустақил генетик маркер сифатида намоён бўла олмаслигини кўрсатган.



2-расм. НДТП ва ОДТП ривожланиши билан P2RY12 гени (rs2046934) полиморфизмининг генотипларини тутишлик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Дизагрегацион тромбоцитопатия билан касалланган беморларда НРА 2 (rs2243093) тромбоцитларнинг аллоантиген тизими тромбоцитар гликопротеин гени полиморфизмининг хусусиятлари ўрганилганда, назорат гуруҳига нисбатан С мутант аллелининг тутиш даражасида аҳамиятга эга бўлмаган фарк белгиланди. Бунда, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич 6,3 фоизни ташкил қилган бўлса, ДТП билан касалланган беморларда 8,5% ($\chi^2 < 3.85; P > 0,05; OR = 1.38$)ни ташкил этди, шунга асосланиб, ўзбек этник гуруҳига оид шахсларда ДТП ривожланиши билан НРА 2 (rs2243093) гени полиморфизмининг ўрганилган С аллел варианты билан ўзаро боғлиқлик мавжуд эканлиги хақида далолат бера олмаймиз (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Беморлар ва назорат гуруҳларида НРА 2 гени rs2243093 полиморфизмининг аллел ва генотипларини тақсимланиш даражаси

№	Гуруҳ	n	Аллелларнинг учраш даражаси				Генотипларнинг тақсимланиш даражаси					
			Т		С		Т/Т		Т/С		С/С	
			n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий ДТП гуруҳ	71	130	91,5	12	8,5	59	83,1	12	16,9	0	0
A	НДТП	39	69	88,5	9	11,5	30	76,9	9	23,1	0	0
B	ОДТП	32	61	95,3	3	4,7	29	90,6	3	9,4	0	0
2	Назорат гуруҳ	48	90	93,7	6	6,3	42	87,5	6	12,5	0	0

Бундан ташқари, НРА 2 (rs2243093) гени полиморфизми билан ДТП ривожланиш ҳавфи Т/Т ва Т/С генотиплар тақсимланиш даражасини таққосий таҳлилида ўзаро генетик боғлиқлик белгилари мавжуд эмаслиги белгиланди. Бунда, ДТП билан касалланган беморлар гуруҳида Т/С нохуш генотипининг учраш даражаси, назорат гуруҳига нисбатан 2,1 баробар ($\chi^2=1.69$; $P=0,19$; $OR=2.1$; 95% CI: 0,68-6.53) ошганлиги аниқланган бўлса ҳам, бу кўрсаткич аҳамиятга молик бўлмаган характер тутди. Худди шунга ўхшаш ҳолат, НДТП ва ОДТП гуруҳчаларида ҳам, айнан НДТП гуруҳчасида назорат гуруҳига нисбатан С нохуш аллелининг тутиш даражаси 1,96 баробар ($\chi^2=1.53$; $P=0,22$; $OR=1.96$), Т/С гетерозиготали генотипнинг тақсимланиш даражаси эса, 2,1 баробар ($\chi^2=1.69$; $P=0,19$; $OR=2.1$) аҳамиятга эга бўлмаган ҳолда ошганлиги кузатилган. ОДТП билан оғриган беморлар гуруҳида С нохуш аллелининг тутиш даражаси ($\chi^2=0.18$; $P=0.67$; $OR=0.74$) ва Т/С генотипи ($\chi^2=0.19$; $P=0.66$; $OR=0.72$) ни ташкил қилиб, назорат гуруҳи кўрсаткичига нисбатан 1 баробардан камроқ фарқни кўрсатган.

Бинобарин, ўзбек этник гуруҳига мансуб ДТП билан касалланган беморларда, касалликнинг наслий ва орттирилган ривожланиш ҳавфининг ошиши билан ўзаро боғлиқлик мавжуд эмас.

Дизагрегацион тромбоцитопатияларда НРА 2 (rs 2243093) гени полиморфизмининг хусусиятларини ўрганиш билан бир қаторда, шу касаллик билан хасталанган асосий гуруҳ беморлар ва назорат гуруҳида НРА 3 (T2622G) тромбоцитларнинг аллоантиген тизими тромбоцитар гликопротеин гени полиморфизмининг хусусиятлари ўрганилган (3-жадвалга қarang).

3-жадвал

Беморлар ва назорат гуруҳларида НРА 3 гени T2622G полиморфизмининг алелл ва генотипларини тақсимланиш даражаси

№	Гуруҳ	n	Аллелларнинг учраш даражаси				Генотипларнинг тақсимланиш даражаси					
			T		G		T/T		T/G		G/G	
			n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий ДТП гуруҳ	71	76	53,5	66	46,5	24	33,8	28	39,4	19	26,8
A	НДТП	39	38	48,7	40	51,3	11	28,2	16	41,0	12	30,8
B	ОДТП	32	38	59,4	26	40,6	13	40,6	12	37,5	7	21,9
2	Назорат гуруҳ	48	57	59,4	39	40,6	17	35,4	23	47,9	8	16,7

Тадқиқот натижаларимизга кўра, ДТП билан касалланган беморларда, назорат гуруҳига нисбатан G аллелини тутиш даражаси 1,27 баробар

($\chi^2=0.80$; $P=0.37$; $OR=1.27$; 95% CI: 0.75-2.14)га ошганлиги аниқланган. Шу билан бирга, ДТП билан хасталанган беморлар гуруҳида НРА 3 (T2622G) гени полиморфизмининг T/G генитини тақсимланиш даражаси 1 баробар ($\chi^2=0.12$; $P=0.72$; $OR=0.86$; 95% CI: 0.38-1.98)дан камроқ, G/G гомозиготали генотипнинг тақсимланиш даражаси эса, назорат гуруҳига нисбатан 1,68 баробарга ($\chi^2=0.98$; $P=0.32$; $OR=1.68$) статистик аҳамиятга молик бўлмаган равишда ошганлиги аниқланган.

Дизагрегацион тромбоцитопатия шаклига боғлиқ ҳолда аллел ва генотипларнинг тақсимланиш даражасидаги фарқнинг таҳлили, НДТП билан касалланган беморлар гуруҳида G аллелининг улуши, назорат гуруҳига нисбатан (48,7% қарши 59,4%) камроқ қайд қилинган бўлса, T аллелининг улуши (51,3% қарши 40,6%) бир мунча юқори натижани кўрсатди. Шу билан бирга, ОДТП билан хасталанган беморларда G аллелининг улуши (59,4% қарши 59,4%) ва T аллелининг улуши (40,6% қарши 40,6%) ташкил қилиб, назорат гуруҳига нисбатан унчалик фарқ кўрсатмаганлиги кузатилган.

Генотипларнинг тақсимланишини ўрганиш натижалари T/G гетерозиготали генотипнинг НДТП билан касалланган беморларда, назорат гуруҳига нисбатан 1,08 баробар ($\chi^2=0.02$; $P=0,89$; $OR=1.08$;)дан ва ОДТП билан хасталанган беморларда эса, 1 баробардан ($\chi^2=0.56$; $P=0,45$; $OR=0.68$) камроқ қайд қилинганлигини аниқлашга имкон берган.

Шу билан бир қаторда, НДТП билан касалланган беморларда G/G мутант генотипининг назорат гуруҳига нисбатан 2,32 баробар ($\chi^2=2.01$; $P=0,16$; $OR=2.32$) юқори кўрсаткичи ишончли бўлмаган ҳолда ошганлигини белгилади, бу эса касалликнинг ривожланишига мойиллик мавжуд эканлигидан далолат берди.


Ўзбек этник гуруҳига мансуб ДТП билан касалланган беморлар ва назорат гуруҳларида, НРА 3 гени T2622G генетик полиморфизмининг аллел ва генотипларининг тақсимланиш даражасини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари G нохуш аллелининг ($\chi^2=1.80$; $P=0.37$) статистик аҳамиятга молик ўзаро боғлиқлик мавжуд эмаслигини, шу билан бирга G/G мутант генотипи ($\chi^2=0.98$; $P=0.32$) эса, ДТП наслий ва орттирилган шаклининг ривожланиш хавфининг ошишига олиб келишини кўрсатган.

Шундай қилиб, ДТП билан касалланган беморларда ва шартли соғлом шахсларда P2RY12 (rs2046934) тромбоцитар рецептори ва НРА 2 (rs2243093), НРА 3 (T2622G) тромбоцитлар аллоантиген тизими тромбоцитар гликопротеинлари генлари полиморфизмларининг тутиш даражаси ва тутишининг таққосий натижалари P2RY12 гени (rs2046934) полиморфизмининг A/A мутант генотипини ($\chi^2=4.18$; $P=0.04$) ўзбек этник гуруҳга мансуб шахсларда ДТП шаклланишида жалб қилинишини, НРА 2 (rs2243093) ва НРА 3 (T2622G) генларининг нохуш генотипларини тутиши касаллик ривожланиш хавфи билан ўзаро боғлиқ эмаслигини белгилаш имконини берган.

Шу билан бирга, биз томонимиздан (P2RY12) молекуляр-генетик маркери тромбоцитлар дисфункциясининг, ДТП клиник кўринишлари билан

эхтимолий ўзаро боғлиқлиги ўрганилган. Тадқиқот натижалари P2RY12 гени rs2046934 полиморфизмининг G/A нохуш гетерозиготали генотипининг тутиш билан меноррагия учраш даражаси ўртасида ўзаро ишончли боғлиқлик мавжудлиги ($\chi^2 = 5.6$; $P=0.02$; $OR=4.3$), шунингдек бошқа клиник белгилар билан ўрганилган ген нохуш генотипларининг тутиши ўртасида ($\chi^2 < 3.85$; $P > 0.05$) аҳамиятга эга бўлган ўзаро боғлиқлик мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Тадқиқот ишимизнинг яқунловчи босқичи бўлиб, ўтказилган клиник-гемостазиологик ва молекуляр-генетик тадқиқотлари натижалари асосида, ДТП шаклланиш ҳавфини олдиндан аниқлаш усулини такомиллаштиришдан иборат бўлди (3-расмга қаранг).



3-расм. Дизагрегацион тромбоцитопатияларнинг шаклланиш ҳавфини олдиндан аниқлашнинг такомиллаштирилган усули

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот натижалари, ДТП ривожланиши генетик детерминланганлигини белгилади. ДТП ривожланиш ҳавфи билан тромбоцитлар дисфункциясининг асосий патогенетик механизмларида иштирок этувчи P2RY12 (rs2046934) тромбоцитар рецептори генининг полиморфизми ўртасида ишончли ўзаро боғлиқлик аниқланди. Олинган натижалар ўзбек этник гуруҳига мансуб шахсларда ДТП шаклланишининг прогностик омили сифатида, ушбу генетик маркерни қўллашга ва касаллик ривожланишининг ҳавфли гуруҳини ажратиб олишга имкон беради.

ХУЛОСАЛАР

«Дизагрегацион тромбоцитопатияларнинг клиник-патогенетик аспектлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Дизагрегацион тромбоцитопатия касаллигида, унинг қайси шакли бўлишига қарамай асосий геморрагик симптом кўринишлари бўлиб,

бурундан қон кетиш (42%) ва тери геморрагиялари (27%) ҳисобланади. Дизагрегацион тромбоцитопатия билан касалланган беморларда бирламчи томир-тромбоцитар гемостаз тизимидаги ўзгаришлар геморрагик асоратларининг эрта аломати бўлиб ҳисобланади.

2. Дизагрегацион тромбоцитопатия ривожланишига P2RY12 гени rs2046934 полиморфизми бўйича генетик мойиллик, A/A функционал нохуш гомозиготали полиморфизм билан, наслий дизагрегацион тромбоцитопатия билан касалланган беморларда ишончли ($\chi^2=4.18$; $P=0.04$) боғлиқлик белгиланди. Шу билан бирга бу, тромбоцитлар агрегацияси бузилишининг ривожланиш ҳавфига паст таъсир кўрсатиши исботланди.

3. Аниқландики, HPA2 гени rs 2243093 полиморфизми нохуш генотипик вариантлари дизагрегацион тромбоцитопатия патогенезида мустақил ҳисса кўшмайди, бу тромбоцитлар агрегацияси бузилишининг ривожланиш ҳавфида тармоқли ўзаро таъсирлар мавжудлиги ҳақидаги гипотезани исботлади.

4. Дизагрегацион тромбоцитопатия билан касалланган беморларда HPA3 гени T2622G полиморфизмининг G/G генотипининг улушини, назорат гуруҳига нисбатан ($\chi^2=2.01$; $P=0,16$; OR=2.32; 95% CI: 0,72-7.49) ошишига тенденция аниқланди. Бу маълумотлар, ушбу генотипик вариант наслий дизагрегацион тромбоцитопатия билан хасталанган беморларда касалликнинг ривожланиши ва агрегация назоратининг бузилишини шаклланишига мойиллик туғдирувчи таъсир этишидан далолат беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.02.
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ГЕМАТОЛОГИИ И
ПЕРЕЛИВАНИЯ КРОВИ**

САБИРОВА ШАХНОЗА ГАФУРОВНА

**КЛИНИКО-ПАТОГЕНЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ
ДИЗАГРЕГАЦИОННЫХ ТРОМБОЦИТОПАТИЙ**

14.00.29 – Гематология и трансфузиология

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.2.PhD/Tib697.

Диссертация выполнена в НИИ гематологии и переливания крови Минздрава Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Бобоев Кодиржон Тухтабаевич доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Сулейманова Дилора Нагаловна доктор медицинских наук Халиков Пулат Хужамкулович доктор биологических наук, профессор
Ведущая организация:	Андижанский Государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc27.06.2017Tib30.03 при Ташкентской медицинской академии (Адрес 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирован за №___). (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби, 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2019 года)

А.Г. Гадаев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.Л. Аляви
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. За последние годы в мире «...наблюдается рост встречаемости заболеваний крови»¹. В частности, отмечается тенденция к увеличению частоты геморрагических нарушений, как отдельных нозологических форм, так и синдромов, которые сопровождаются и дают тяжелые осложненное течение большого количества соматических, инфекционных и др. заболеваний, проявляясь при этом в основном кровоточивостью. В связи с этим среди патологий крови «...у 90 % больных с кровоточивостью приходится на долю нарушений первичного сосудисто-тромбоцитарного гемостаза, а именно тромбоцитопатий...»². Тромбоцитопатии (ТП) - группа заболеваний, характеризующаяся качественной неполноценностью и нарушением функции тромбоцитов. «...кровоточивость неясного генеза, наблюдающаяся в практике врача всех специальностей во многих случаях связана именно с ТП, и, в связи с несвоевременной и точной ее диагностикой, пациенты с ТП, часто получают лечение у непрофильных врачей (ЛОР, гинекологи и др.)...»³. Кроме того, на сегодняшний день известно, что в генезе ТП особая роль принадлежит генетическим факторам, однако в доступной литературе существующие данные по изучению генетических особенностей при дизагрегационных тромбоцитопатиях (ДТП) довольно скудны. Тогда как, для лучшего понимания патогенеза ДТП, чрезвычайно важно комплексно оценивать клинические и генотипические проявления заболевания. В связи с чем, изучение особенностей полиморфизмов генов тромбоцитарного рецептора rs2046934 гена P2RY12, и тромбоцитарных гликопротеинов аллоантигенной системы тромбоцитов rs2243093 гена HPA 2, T2622G гена HPA 3 у больных ДТП имеет особое значение.

В мире проведены ряд научных исследований направленные на изучение различных аспектов механизмов развития и формирования ТП. Однако, несмотря на достигнутые успехи в этой области многие их стороны, в частности, при дизагрегационных формах тромбоцитопатий (ДТП) (вклад молекулярно-генетических полиморфизмов, их связь с клиническими проявлениями) до настоящего времени остаются до конца неизученными. Оценка корреляционных взаимосвязей между клиническими проявлениями дизагрегационных тромбоцитопатий и молекулярно-генетическими маркерами дисфункции тромбоцитов (P2RY12, HPA 2, HPA 3), в том числе и усовершенствование способа риска развития дизагрегационных тромбоцитопатий на сегодня имеет отдельное значение.

В настоящее время в нашем государстве для развития медицинской сферы, в соответствии с международными требованиями, для снижения

¹ Nurden AT Acquired Glanzmann thrombasthenia: From antibodies to anti-platelet drugs. // Blood Rev. 2019 Jul; 36:10-22. doi: 10.1016/j.blre.2019.03.004. Epub 2019 Mar 20.

² Салиев К.К., Салиев Д.К. ва ҳаммуал. Наследственные заболевания крови и кроветворной системы. // Клиник қўлланма, 2015, Андижон, 125 б.

³ Dorgalaleh A, Tabibian S et all. Inherited Platelet Function Disorders (IPFDs). // Clin Lab. 2017 Jan 1;63(1):1-13. doi: 10.7754/Clin.Lab.2016.160607.

